



**ХУЖЖАТЛАРНИ СОХТАЛАШТИРИШ ВА
ҚАЛБАКИЛАШТИРГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИНГ АЙРИМ
МАСАЛАЛАРИ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10730223>

Мамаюсупов Бехзод Муминжонович

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Транспорт ва туризм объектларида
хавфсизликни таъминлаш департаменти ҳузуридаги Тергов бошқармаси
бошлигининг ўринбосари*

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида белгиланган ҳужжатларни сохталаштириш ва қалбакилаштирганлик учун жавобгарликнинг айрим масалалари, ушбу жиноят таркиби ва аломатларининг тавсифи, умумий ва хусусий жиноий-ҳуқуқий нормаларини таҳлили, айрим хорижий давлатларнинг сохталаштириш ва қалбакилаштирганлик учун жавобгарликнинг ўзига хос хусусияти ёритиб ўтилган. Бундан ташқари ушбу мақолада амалдаги қонунчилигимизга сохталаштириш ва қалбакилаштирганлик учун жавобгарлик масалаларини такомиллаштириш учун таклифлар баён этилган.

Калит сўзлар

расмий ҳужжат, норасмий ҳужжат, муҳр, штамп, электрон ҳужжат, “QR-kod”, сохта ҳужжат, қалбаки муҳр, пробалар.

КИРИШ

Ҳозирги кунда жаҳонда ахборот технологиялари ривожланиб, турли жамиятлар ўзига хос тенденцияларни босиб ўтмоқда. Шу ўринда турли хил ҳужжатларни масофадан расмийлаштириш, реал ҳужжатларни интернет жаҳон ахборот тизими орқали давлатга тегишли ва нодавлат турли хил иловалар, мессенжерлар орқали онлайн тақдим этиш одатий тусга айланиб улгурган. Ушбу ҳужжатлар доирасида муайян ҳуқуқ берувчи расмий электрон ҳужжатлар бўлиб, улар электрон рақамли имзолар орқали имзоланиши, электрон рақамли имзоларнинг ёки биметрик маълумотларни ўғриланиши учинчи шахслар томонидан жиноий мақсадларда фойдаланишига олиб келмоқда. Шу сабабли доимий равишда амалдаги қонунчиликни реал ҳаёт билан ҳамоҳанглигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашишда қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиб бориш зарурати долзарб бўлиб



колавереди. Бу эса фуқаролик жамиятининг ривожланишини асосий элементларидан биридир. Хужжатлар, уларга қўйиладиган муҳр ва штамплар қандай турда бўлишидан қатъий назар юридик факт сифатида ўз ўрнига эга ва давлатларнинг барча соҳа ва тизимларида муҳим юридик асос сифатида муайян мақсадларни кўзловчи, ҳуқуқ берувчи, ҳуқуқдан маҳрум қилувчи ўзига хос кучга эга ҳисобланади. Ушбу хужжатларнинг ёки уларга қўйиладиган муҳр ва штампларнинг сохталаштирилиши, ушбу хужжатлардан ноқонуний мақсадларда фойдаланиши давлатларнинг бошқарув фаолиятига жиддий зиён етказиб, бошқарув механизмларини ишдан чиқариши, тартибсизликларни келтириб чиқариши мумкин. Шу сабабли ушбу турдаги жиноятларга қарши куралиши учун жавобгарликнинг аниқ қонунчиликдаги нормаларини замон билан ҳамнафас ўзгартириб бориш лозим бўлиб ҳисобланади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 228-моддасида хужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, унинг диспозициясида “Сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий хужжатлар тайёрлаши ёки расмий хужжатларни қалбакилаштириши ёхуд бундай хужжатларни сотиши, шундай мақсадларда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг қалбаки штамплари, муҳрлари, бланкаларини тайёрлаш ёхуд сотиш” ижтимоий ҳафвли ҳаракатлари жиноят деб топилган. Ушбу жиноятнинг иккинчи қисмида эса нисбатан оғирлаштирувчи ҳаракатлар, яъни:

“Ўша ҳаракатлар:

- а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса”-деб белгиланган.

Шунингдек, ушбу модданинг аҳамиятли жиҳати шундаки қонун чиқарувчи ушбу модданинг учинчи қисмида мустақил таркибли жиноятни киритиб ўтган бўлиб, диспозициясига кўра “Хужжатларнинг қалбаки эканлигини била туриб ундан фойдаланиш” учун жавобгарлик белгиланган.

Ушбу жиноятнинг тавсифига кўра, 1-қисми ва 3-қисми ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган, 2-қисми эса унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига киради.



Ушбу жинойт квалификациясининг асосий белгиси объектив томондан тўлиқ содир этилган бўлиши ва бошқа жинойт таркибларини қамраб олмаган бўлиши лозим. Оддий қилиб айтадиган бўлсак ҳужжат сохталаштирилган вақтдан бошлаб жинойт тугалланган ҳисобланади. 3-қисмига кўра эса, сохта ҳужжатдан фойдаланган вақтда, масалан сохта диплом ёки бирор сохта ҳужжат расмий идорага тақдим этилган ёки муайян мақсадда кўрсатилган вақтдан бошлаб жинойт тугаланган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.07.2000 йилдаги 283-сонли Қарорига 1-илова “Расмий давлат ҳужжатларини тайёрлашга буюртма бериш, уларни тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 1-боб 5-бандида “Расмий ҳужжатлар муайян серияга ва тартиб рақамига эга бўлган қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади”-деб кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикасининг 29.04.2004 йилдаги 611-II-сонли “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасида “Электрон ҳужжат” атамасига шарҳ берилган бўлиб, унга кўра “Электрон шаклда қайд этилган электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот электрон ҳужжатдир”-деб кўрсатилган.

Расмий ёки электрон ҳужжатни қалбакилаштириш – бу асл ҳужжатнинг ёки электрон ҳужжатнинг мазмуни ёки шаклини тўлиқ ёки қиман қайриқонуний модификация қилиш, яъни ўзгартириш ҳисобланади. Сохталаштириш ёки қалбакилаштириш усуллари ушбу жинойтни малакалашда аҳамият касб этмайди.

Мухр – юридик ёки жисмоний шахсининг номи тўлиқ ёзилган матннинг (матннинг ва расмнинг) қабарик ёки ботик тасвири бўлган босма шакл(асбоб)¹.

Штамп (итал. мухр) – 2) муассаса ҳужжатлари ва хизматга оид расмий қоғозларнинг бурчакларига босиладиган, шу муассасанинг номи, қайси юқори ташкилотга қаршли эканлиги акс эттирилган мухр(одатда тўртбурчак шаклда бўлади) ва мухр изи².

“QR-kod” (инг. Quick Response code) – тезкор жавоб коди³. “QR-kod” оқ ранг устида квадрат сеткасида жойлаштирилган қора квадратлардан иборат бўлиб, смартфон камераси қаби тасвирни қайта ишлайдиган мосламалар ёрдамида ўқиш мумкин. Ушбу код асосан гиперҳавола сифатида ишлайди ва бундай расм (QR-kod)да матн шаклида жойлаштириш ноқулай бўлган ёки

¹ [http://uz.m.wikipedia.org/wiki/Muhr_\(bosma_shakl\)](http://uz.m.wikipedia.org/wiki/Muhr_(bosma_shakl))

² <http://uz.m.wikipedia.org/wiki/Shtamp>

³ <http://uz.m.wikipedia.org/wiki/QR-kod>



қимматга тушадиган маълумотлар мавжуд. Улар 4296 белгигача (символ) бўлиши мумкин⁴.

Бизнинг фикримизча, ҳужжатни қалбакилаштириш деганда, ҳар қандай расмий ҳужжатни мазмунини, реквизитларини муайян юридик фактни ўзгартирадиган қилиб қисман ва тўлиқ ўзгартириш тушунилиши мумкин. Шунингдек, бирор корхона, муассаса ёки ташкилотнинг қалбаки штамп, муҳр ёки бланкаларини тайёрлаш деганда, фақат юқоридаги буюмларни тўла тўқис тайёрлаш ҳолатлари тушунилмай, балки ўша босилган муҳр ёки штампнинг, бланканинг маълум реквизитларини қисман ўзгартириш, сунъий йўллар билан маълумотлар киритиш тушунилиши мумкин.

Проба – 1) Қотишманинг муайян масса улушлари миқдорида қанча қимматбаҳо металл борлигини билдирувчи рақам; 2) Шундай рақам (миқдор)ни кўрсатувчи тамға; 3) Модда, материал, овқат ва шу кабиларнинг синаш, текшириш, таҳлил қилиш учун олинган бир қисми, намунаси⁵.

Амалдаги қонунчилигимиздаги реал амалий тажрибалардан келиб чиқиб, ҳозирда мавжуд камчилик ва муаммоларни таҳлил қилишда ва уни такомиллаштиришда илғор хорижий тажрибани ўрганиш орқали уни тўлдириш мумкин. Бу эса янги ўйлаб чиқиладиган механизмни амалиётда самарали натижаларга эришишга сабаб бўлади. Шунинг учун ҳозирда ривожланган давлатлардан АҚШ, Россия, Германия, Япония, Жанубий Корея, Норвегия ва шу каби давлатлар қонунчилигини тадбиқ этиб, ўзимизнинг миллий қонунчилигимиздаги ютуқлар билан омукталаштириб амалиётга киритиш лозим.

Мамлакатимиз жинойт қонунчилигидаги ҳужжатларни сохталаштирганлик ва қалбакилаштирганлик бўйича қиёсий-ҳуқуқий таҳлилни Япония давлати мисолида кўриб чиқадиган бўлсак, Япония давлати жинойт қонунчилигида ҳам ушбу тур ҳуқуқбузарликлар учун алоҳида бир боб ташкил этилган бўлиб, унда барча турдаги сохталаштириш билан боғлиқ жинойтлар мужассамлаштирилганлигини кўришимиз мумкин. Унда белгиланган жавобгарлик масаласига тўхталадиган бўлсак, ушбу Кодекснинг 155-моддасида расмий ҳужжатларни сохталаштирганлик ҳамда қалбакилаштирганлик жинойти учун умумий жавобгарлик масаласи белгилаб қўйилган бўлиб, унга кўра, расмий ҳужжатларни чоп этиш ваколатига эга ташкилотларнинг рухсатсиз қонунга хилоф равишда уларга тегишли расмий ҳужжатларни қалбакилаштирган ҳолда чоп этишни содир қилган шахслар жавобгарликка тортилади. Бундан ташқари, ушбу модданинг

⁴ <http://www.spot.uz/oz/2021/07/16/qr-code>

⁵ <http://uz.m.wiktionary.org/wiki/proba>



иккинчи қисмига биноан расмий ҳужжатларни асл кўринишидан фарқ қиладиган кўринишга келтириш яъни уларни ўзгартириш учун ҳамда улардан фойдаланганлик учун алоҳида моддалар ташкил этилган ҳолда жавобгарлик белгиланган. Япония жиноят кодексининг яна бир бизнинг жиноят қонунчилигимиздан фарқ қиладиган қисми бу унда фақат расмий ҳужжатларни сохталаштириш учунгина жавобгарлик белгиланибгина қолмасдан, балки норасмий яъни хусусий корхона ва ташкилотларга тегишли бўлган ҳужжатлар, штамплар ҳамда белгиларни қалбакилаштирганлик учун ҳам жиноий жавобгарлик белгилаб кўйилганлигидадир. Энди Германия давлатида ҳам жиноят қонунчилиги учун наъмуна бўла оладиган жуда кўплаб қисмларга ва амалиётларга эга бўлиб ҳисобланишини эътироф этмасдан иложимиз йўқ. Чунки романа-герман ҳуқуқ тизимининг ривожланиш тарихи ҳам ушбу давлат ҳудуди билан боҳлиқ бўлиб ҳисобланади. Хусусан, Германия жиноят кодексига ҳужжатларни сохталаштириш ва қалбакилаштириш жинояти бўйича тартиб қоидалар алоҳида бир боб сифатида ушбу кодексда жойлаштирилган. Ушбу Кодекснинг 267-моддасига биноан шахс жавобгарликка тортилиши учун қалбаки ҳужжатни тайёрласа, асл нусхадаги ҳужжатни сохталаштира ёки ушбу қалбаки ҳамда сохталаштирилган ҳужжатлардан фойдаланган тақдирда ушбу норма қоидалари бўйича унинг қилмиши квалификация қилиниши лозим бўлади. Бундан ташқари, ушбу модданинг биринчи қисмига биноан ушбу ҳаракатларни шахс алдаш мақсадида содир этиши лозим бўлади. Бизнинг қонунчилигимизда эса ушбу ҳаракатни шахс ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши учун содир этилиши белгилаб кўйилган. Дунё ҳамжамиятида жуда кучли позицияга эга бўлган АҚШда ҳам ҳуқуқий жиҳатдан ўзига хос таъриба сифатида қабул қилсак бўладиган нормалар мавжуд. Хусусан, мавзуимизга алоқадор бўлган ҳужжатларни сохталаштириш ва қалбакилаштириш бўйича дастлаб штатлар ўртасида мукамал тушунча ва таъриф шаклланмаганлиги туфайли кўплаб штатлар сохталаштириш жиноятини фирибгарлик таркибини берувчи жиноятлар сифатида квалификация қилиш кўринишлари авж олган. Ҳозирда ушбу жиноят бўйича аниқ таъриф мавжуд бўлиб унга кўра, сохталаштиришнинг объектив томони бўлиб барча турдаги ҳужжатларни ясаш, сохталаштириш, қалбакилаштириш, ўзгартириш ҳамда тақлид қилиш бошқа шахсни алдаш мақсадида амалга оширилиши тушунилади ҳамда жиноий жавобгарликка асос бўлади. Бундан ташқари, АҚШ жиноят қонунчилигига кўра, сохталаштириш ҳамда қалбакилаштириш масаласига жуда жиддий ёндашган ҳолда уларни уч босқичда содир этилиши ҳақида аниқ таъриф келтириб ўтган. Уларга мувофиқ биринчи босқичда, шахс сохталаштирилган ҳужжатни ўзига маълум



бирор шахсларга намойиш этади ёки ундан фойдаланади. Иккинчи босқичда шахс бирор бир асл нусхадаги ҳужжатни ясайди ёки қалбакилаштириб унга шунчаки эгалик қилади. Охириги босқичга кўра, шахс фақатгина сохталиги маълум бўлган аммо ўзи ясамаган сохта ҳужжатга эгалик қилади, ушбу учала босқичнинг барчаси ҳам жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. Демак, турли мамлакатлар турли кўринишларда жиноят қонунчилигига эгалик қилиб туриб, ҳар бири ўз қонунчилигига мамлакатнинг этник келиб чиқиши, анъана ҳамда одатлари, маданияти, мамлакатдаги ижтимоий муносабатнинг даражасига қараб ўзига мос йўналиш белгилаб олади⁶.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, дунё давлатларининг ҳар қандай амалиётидаги тажрибани ўзлаштиришимиздан олдин, албатта уларнинг бизнинг миллий хусусиятларимизга, ижтимоий-сиёсий вазиятимизга мос келиш ёки келмаслигини чуқур таҳлил қилишимиз лозим бўлади. Ривожланган давлатларнинг қонунчилигини ўрганишда уларнинг ўзига хос хусусияти, бизнинг минтақамизга мос келиш ёки келмаслиги катта аҳамиятга эга. Шу сабабли амалдаги қонунчилигимизни такомиллаштиришда ва ҳозирги замонга ҳамнафас бўлиш учун ўзимизнинг амалий тажрибаларимиздан келиб чиқиб, қатъий хулосалар қилишимиз лозим бўлади. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 228-моддаси 1-қисми диспозициясига “расмий” сўздан сўнг “ва электрон”-сўзини қўшиб тўлдиришни таклиф этамиз. Хорижий давлатлар қонунчилигида ҳам электрон ҳужжатларни сохталаштиришга урғу берилганлигини ва ҳозирда амалиётда буни тадбиқ этиш зарурияти туғилганлиги ушбу таклифимизни асоси сифатида қабул қилишимиз мумкинлигини кўрсатади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси (2020 йил 1 июлгача бўлган ўзгариш ва қўшимчалар билан) – Т.: «Юридик адабиётлар публич», 2020й. – 512 б.
2. Рустамбоев М.Ҳ. Жиноят ҳуқуқи (Махсус қисм). Дарслик. Т., «Ўқитувчи», 2003.
3. Уголовный кодекс Германии от 1991 г. // Режим доступа: <http://www.law.edu.ru/norm/norm.asp?normid-1242733>

⁶ <http://cyberleninka.ru/article/n/hujjatlarni-soxtalashtirish-va-qalbakilashtirganlik-uchun-jinoiy-javobgarlik-milliy-va-ayrim-xorijiy-davlatlar-jiniyat-qonunchiligi>



4. <http://uz.m.wikipedia.org>
5. <http://uz.m.wiktionary.org>
6. <http://www.spot.uz>
7. <http://cyberleninka.ru>